



## МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК ТЕАТРИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Рахматуллаева Дилюза Назруллаевна

санъатшунослик фанлари доктори, профессор,  
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,  
Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти

**Аннотация.** Мақола Европа шаклидаги ўзбек театрининг пайдо бўлиши билан бөглиқ масалаларнинг илмий ўрганилишига багишланган. Мақолада жадид маърифатпарварларининг ўлка маданий-маърифий ҳаётидаги ўрни ва ролига аниқлик киритилган. Мақола муаллифи янги адабий тур – драматургиянинг пайдо бўлиши, ҳаракат намояндаларини ўйлантирган ҳаётий масалалар ҳақида фикр юритиб, ҳаракатнинг янги шаклидаги ўзбек театрининг шаклланишидаги ўрнига тўхтамалади. Шунингдек, унда биринчи бор ўзбек театр санъатининг жадидчилик ҳаракати билан бөглиқ даврининг илмий ўрганилиши масалалари тадқиқ этилиб, тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифаларга аниқлик киритилади. Бундан ташқари, муаллиф томонидан миллый уйгонниш даври ўзбек саҳна санъати тараққиёт босқичлари шартли равишда даврларга бўлиб чиқилди ҳамда жадид театрининг ўрганилиши тарихи босқичларга ажратилди. Жадидчилик ҳаракати намояндалари амалга оширган ишларга объектив баҳо берииш лозимлиги, жадид театрининг мақтоворга лойиқ намунали жиҳатлари билан бирга муайян ожизликлари ҳам борлиги асосланди.

**Таянч тушунчалар:** театр, драматургия, анъана, жадид-маърифатпарварлар, жадидлар ижодини ўрганиши, жадидлар ижодини даврлаштириши, жадидларнинг маданий ҳаётидаги ўрни, тадқиқотлар тематикаси.

## ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКОГО ТЕАТРА ПЕРИОДА НАЦИОНАЛЬНОГО ВОЗРОЖДЕНИЯ

Рахматуллаева Дилюза Назруллаевна

доктор искусствоведения, профессор,  
заместитель директора по научной работе,  
Институт искусствознания Академии наук Узбекистана

**Аннотация.** Статья посвящена проблеме изучения узбекского театра европейского образца периода возрождения. Автор, подчеркивая роль культурно-просветительского движения джадидизма, дает оценку деятельности этого движения. Говоря о появлении нового литературного жанра – драматургии, сыгравшей немаловажную роль в зарождении театра, в статье затрагиваются вопросы, волновавшие деятелей этого направления. Делается попытка периодизации истории узбекского театрального искусства, связанной с деятельностью джадидов. В статье впервые затрагиваются вопросы изучения истории узбекского театрального искусства, связанные с деятельностью джадидов, а также актуальные проблемы, стоящие перед современной наукой. Кроме того, автором были условно разделены периоды национального возрождения, а история изучения театральных постановок джадидов – на этапы. Также в статье обоснована необходимость объективной оценки движения джадидов, при этом уделять внимание не только положительным аспектам движения джадидов, но и его конкретным недостаткам.

**Ключевые слова:** театр, драматургия, традиция, джадиды-просветители, изучение творчества джадидов, периодизация творчества джадидов, заслуга джадидов, тематика исследований.

## EXPLORING THE UZBEK THEATRE OF THE NATIONAL RENAISSANCE PERIOD

**Rahmatullayeva Dilfuza Nazrullaevna**

Doctor of Arts, Professor, Deputy Director for research work  
Institute of Art Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan

**Annotation.** *The article is devoted to the study of the Uzbek theatre of the European model belonging to the period of renaissance. The author, highlighting the role of the cultural and educational movement of Jadidism, evaluates the activities of this movement. Dealing with the emergence of a new literary genre – drama, which played a significant role in the development of the theatre, the article touches upon the issues that worried people of this direction. An attempt is made to periodize the history of the Uzbek theatrical art related to Jadidism. The article for the first time addresses the issues of exploring the history of the Uzbek theatrical art, which dates back to the period of Jadids, as well as other topical matters facing the modern science. Moreover, the author made a nominal division of the national renaissance into periods, while splitting the history of study of theatrical performances of the Jadids into several stages. In addition, the article substantiates the need for an objective assessment of Jadidism, paying attention both to positive aspects of the movement and its specific shortcomings.*

**Key words:** theatre, drama, tradition, Jadids-educators, study of Jadids, periodization of Jadids, merits of Jadids, research subjects.

### **Кириш**

Глобаллашув ва маданий интеграция шароитида жаҳонда театр санъатининг ижтимоий мавқеи янада ортиб бормоқда. Зеро, театр санъати миллатлараро маданий интеграцияни амалга оширувчи муҳим восита сифатида жаҳон ҳамжамиятининг барқарор ривожини таъминлашга, турфа халқларга мос маънавий ва ахлоқий хусусиятлар, умумисоний қадриятларни тараннум этишга хизмат қиласди. Бугунги кунда дунё илмий амалиётида театр санъатининг тарихий-бадиий потенциалини оширишга қаратилган театршунослик кесимидағи илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш алоҳида ўрин тутмоқда. Жаҳон театршунослигидаги театр санъатининг ижтимоий-маданий вазифалари билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларда турли минтақа ва давлатлар театр санъатининг шаклланиши, бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш босқичларига оид асосий йўналишлар ва тенденцияларни аниқлаш, шунингдек, ушбу кесимда спектаклларнинг миллий ва маданий ўзига хослигини шакллантирувчи омил сифатидаги инъикоси, бадиий-услубий образли ечими каби масалалар қамраб олинган. Бу йўналишдаги тадқиқотлар саҳна санъатининг

ривожланишига, ундаги сифат ўзгаришларига сабаб бўлиши билан бирга унинг ижтимоий жараёндаги ўрнини баҳолашга ҳам таъсир кўрсатади. Саҳна санъатининг жамият модернизацияси ҳамда оммавий онг шаклланишига улкан таъсири театршунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг долзарбилигини таъминлади.

Муаллиф томонидан жадидчилик ҳаракати намояндаларининг янги шаклдаги театр санъатини яратиш йўлидаги ҳаракатлар ва амалга оширилган ишларнинг бугунги кунда ўрганилиш ҳолати тадқиқ этилди. Тадқиқот натижасида жадидчилик даври театр санъати тарихини даврлаштириш муҳим масала ҳисобланиши асосланди ҳамда жадид театрининг ўрганилиш тарихи босқичларга ажратилиди.

### **Асосий қисм**

Маълумки, Европа шаклидаги янги ўзбек театрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ўлқадаги миллий уйғонишга сабаб бўлган жадидчилик ҳаракати билан боғлиқ. Туркистоннинг ижтимоий ҳаёт майдонига маданий-маърифий оқим сифатида кириб келган ва ўз олдига эски мактабни ислоҳ қилишни мақсад қилиб қўйган жадидчилик аср бошларида кенг

ижтимоий ҳаракат сифатида майдонга кириб келар экан, ижтимоий миллий оңгнинг шаклланишидаги энг катта тўсиқ бўлган диний мутаассиблик, жаҳолат, қолоқ турмуш тарзи, иқтисод, маданият ва маънавиятнинг чиркин кўринишларини йўқ қилишга бел боғлади.

Мамлакатни маърифат сари етаклашга киришган ушбу ҳаракат намояндалари ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришиш учун фақатгина мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш кам эканлигини жуда эрта англадилар. Уларнинг ниятларини амалга ошириш учун кенг қамровли фаолият зарур эди. Мана шу ҳаётий эҳтиёж ва зарурият туфайли бу ҳаракат тарафдорлари театр санъати томон юз бурдилар.

Натижада асрлар давомида саройларда ва анъанавий шаклларда яшаб келган миллий театр санъати жуда катта ўзгаришлар томон юзланди. Бунда ўлкамизга ўша йиллари тез-тез келиб турган рус, татар, озарбайжон театрларининг таъсири ҳам сезиларли бўлди. Шу билан бирга, Европа типидаги ўзбек театрининг шаклланишида жадидчилик ҳаракати тарафдорлари, хусусан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхоновларнинг хизматлари катта. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жуда тез фурсатда ушбу санъат ва у билан боғлиқ бўлган янги адабий тур – драматургия шаклланди. Жуда оз фурсатда бу адабий тур саҳна асари шаклида жуда катта оммани ўз қамровига олди.

Кейинчалик мутаассиблар таъсирида халқда санъатнинг бу турига нисбатан ўзига хос беписандлик кайфияти шаклана бошланди. Қолаверса, халқ устида турганларда ҳам театрнинг маърифий кучидан ҳадиксираш ва уни маҳаллий халқ орасида тарқалишига имкон қадар тўсқинлик қилиш кайфияти мавжуд эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасининг чоп этилиши том маънода янги шаклдаги ўзбек театрининг туғилишига туртки бўлди. Шу йилнинг ўзида Самарқандда Беҳбудийнинг шахсан саъй-ҳаракатлари, Тошкентда Мунавварқори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни саҳналаштиришга киришилди. Ушбу асарнинг саҳнавий муваффакияти, халқ орасидаги обрў-эътибори анъанавий майдон йўлидаги ўзбек томоша

санъатининг Европа типидаги янги театр санъатига ўрин бўшатиб бера бошлаганини ҳам англатди.

Ушбу давр театрлар репертуарига эътибор қаратилса, унда драматургиянинг жанрий ранг-баранглиги кўзга ташланади. Драматургия дастлабки қадамларини қўяётган бўлса-да, яратилган асарлар орасида драматургиянинг деярли барча жанрларида пьесалар борлиги кишини ҳайратга солади. Бу ҳолат маърифатпарвар жадидлар драматургия ва унинг жанрлари хусусида нафақат амалий, шунингдек, назарий билимларга ҳам эга бўлганликларини кўрсатади.

Бу даврда яратилган драматик асарларнинг мавзу доираси ҳам жуда кенг бўлиб, улар орасида нафақат замонавий, шунингдек, тарихий мавзуларга бағишлиланганлари ҳам бор эди. Бу даврда яратилган асарларнинг барчасини ҳам гоявий пишиқ, бадиий мукаммал, деб бўлмайди. Бироқ, ушбу даврда яратилган асарлар орасида драматургиянинг галдаги ривожига ижобий таъсир этувчи қатор бадиий услублар шаклланди.

Театрни ўзига хос минбар сифатида кўрган жадидчилик-маърифатпарварлик ҳаракати тарафдорлари санъатнинг ушбу туридан халқимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилиш йўлини кўрсатувчи кўзгу сифатида фойдаланишга интилдилар. Шунинг учун ҳам дастлабки саҳнавий асарларда тараққиёт ва қолоқлик сабабларини кўрсатиш биринчи ўринга қўйилди ва халқни ўз ҳаёти, турмуш тарзига танқидий назар ташлашга ундалди. Бу эса аср бошидаги ўзбек театри ўзининг илк қадамлариданоқ, демократик йўналишни ўзига асос қилиб олганлигини кўрсатади. Шунингдек, театр санъати ўлка турмушида, миллатнинг яшаш тарзида, маориф тизимида улкан ислоҳотларни ўтказиш фикрини илгари сурди ҳамда буни турли шакл ва услубдаги томошаларда акс эттиришга интилди. Бу эса жуда катта ижтимоий аҳамият касб этарди. Умумун, жадидларнинг театр тараққиётидаги ўрни нечоғлиқ катта бўлганини биргина факт орқали ҳам исботлаш мумкин. 1920 йилга қадар аксар бу ҳаракат тарафдорлари жонбозлиги илиа биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 60 дан ортиқ ҳаваскорлик труппалари [1] ташкил этилган

бўлиб, уларнинг асосий фаолияти айнан ушбу йўналиш илгари сурган ғояларни амалга оширишга бўйсундирилган эди.

Шундай қилиб, жадидчилик даври театр санъати тарихини даврлаштириш мухим масала ҳисобланиб, 1911–1929 йиллар оралигини жадид драматургиясининг шаклланиш ва тараққиёти даври деб атаган Ш. Ризаевнинг [2] даврлаштириш услубини жадид театрига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шу маънода миллий уйгониш даври ўзбек саҳна санъати тараққиёт босқичларини шартли равища қўйидагича белгилаш мумкин:

1. *Дастлабки шаклланиши даври 1911–1916 йилларни ўз ичига олади.* Бу давр драматик асарларнинг пайдо бўлиши ва дастлабки театр труппаларининг уларни саҳналаштириш йўлидаги изланишларини ўз ичига олиб, асосан маърифатпарварлик ғояларини илгари сургани билан характерланади.

2. *Иккинчи давр кўтарилиши бўлиб, у 1917–1924 йиллар оралигидаги босқичdir.* Бу даврда драматургия адабий жанрлар орасида етакчи мавқени эгаллаш билан бирга театрчилик фаолиятининг ҳам қизғин паллага кириши учун имкон яратди. Ушбу йиллардаги ижтимоий-сиёсий вазият тақозосига кўра, жадидчилик ҳаракатининг сиёсий тус олиши натижасида ҳаракат олдига қўйилган вазифаларнинг ўзгаргани, яъни халқни бирлаштириш ғояси театр санъатида ҳам ўз ифодасини топгани билан характерланади. Натижада театрлар репертуаридан ўлкадаги туб ерли аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган, уларни маърифатга чорлайдиган сиёсий ва маърифий масалаларга эътибор қаратилган асарлар ўрин олди.

3. *Учинчи давр 1925–1929 йилларни ўз ичига олиб, у бирмунча тушкунлик, коммунистик мафкуранинг саҳна санъатига кириб келиши ва унинг таъсири сабаб жадидчилик ғояларининг таназзули билан характерланади.*

Миллат тарихи ва унинг маънавий тараққиётида мухим ўрин тутган, ўзбек ёзма драматургияси ва янги шаклдаги саҳна санъатининг пайдо бўлиши ва шаклланишига муносаб ҳисса қўшган ушбу ҳаракатнинг саҳна санъати тарихидаги ўрни ва роли хусусида шу даврга қадар қатор тадқиқотлар яратилди. Тўғри, шўро даврида яратилган илмий асарлар-

да уларнинг тарихдаги ўрни камситилиб, 1917 йилга қадар яратилган асарлардан кўз юмилағани ҳолда янги ўзбек театрининг пайдо бўлиш санаси октябрь инқилоби билан боғланди. Натижада 1911 йилдан октябрь инқилобигача бўлган давр оралигидаги яратилган саҳна асарларининг аҳамияти пасайтирилди ёхуд эътибордан соқит қилинди. Умуман, жадидчилик тарафдорлари ва уларнинг бадиий ижодига ўтган асрнинг турли даврларидаги муносабат тамомила бир-биридан фарқланади. Шу маънода жадид театрининг ўрганилиш тарихини шартли равища тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1. Жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари фаолият олиб борган йилларда юзага келган ишлар;

2. 1938 йилдан 1956 йилгача бўлган давр. 1938 йил 4 октябрь куни қатағон сабаб оқим тарфдорларининг ўлимидан бошланган ва то собиқ компартиянинг XX съездигача бўлган давр;

3. 1956 йилдан қайта қуриш ва ошкораликка сабаб бўлган собиқ иттилоғнинг 1985 йил апрель пленумигача бўлган давр;

4. «Қайта қуриш» давридан то шу бугунгача бўлган давр;

Жадид театр тарихи билан боғлиқ ўтган даврда эълон қилинган манбаларни мақсад ва характеристига қараб шартли равища бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

а) жадидчилик оқими тарафидан яратилган асарларнинг саҳналаштирилиши муносабати билан ёзилган таҳдилӣ, таништирувташвиқ ва тақриз характеридаги ишлар;

б) драматик асар ва унинг саҳнавий хусусиятлари, уларнинг умумий муаммоларига тўхталиниб, жадидчилик оқими тарафдорлари асарлари мисолга олинган ишлар;

в) жадидчилик оқими тарафдорларининг маълум бирлари ижодига бевосита бағишлиланган илмий ишлар;

г) маълум бир театрлар ва унинг ижодкорлари фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар.

Ўтган даврда турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, тадқиқот объектига муносабат турлича бўлди. Хусусан, собиқ шўро давридаги адабиётларда улар аксар танқид остига олинган бўлса, мустақиллик қўлга киритилгандан сўнгги дастлабки ўн йилликларда улардан асосан ижобий сифатлар излаш билан

кифояланилди. Давр тақозосига кўра юзага келган ҳолатларни қораламаган ҳолда эндиғи вазифа ҳаракат томонидан амалга оширилган ишларга объектив баҳо беришга бориб тақалади. Зоро, жадид театрининг мақтогва лойиқ намунали жиҳатлари билан бирга, муайян ожизликлари ҳам бор.

Жадидчилик ҳаракатининг саҳна санъатидаги ўрнини белгилашда уларнинг асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар таҳлили билан чегараланилса, бу ҳаракат моҳиятини тўла тасаввур этиш мушкул бўлади. Ушбу ҳаракат намояндаларининг асарларини уларнинг ижтимоий фаолияти ҳамда етакчи мафкура талаблари билан баҳамти тадқиқ этиш бу оқимнинг саҳна санъатидаги ўрнини яхлит тасаввур этишга имкон беради.

### **Хулоса**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулосалайдиган бўлсак, жадид театри шу бугунги кунга қадар кўплаб тадқиқотлар учун объект бўлди. Санъатшунослар олдида турган галдаги вазифа жадид театри фаолиятини кенг қамровда ўрганишдан иборат. Етакчи жамоалар ва уларнинг намояндалари фаолияти билан чегараланмасдан, ноҳақ унутилган саҳна жонкуярларининг номларини тиклаш ва уларнинг тарихдаги ўрнига аниқлик киритиш ҳам театршунослик илми олдидағи вазифадир. Шунингдек, жадид театрини ўрганишда қўйидаги муаммоларга эътибор қаратиш лозим кўринади:

- жадид драматургиясининг жанр ранг-барабонлиги солиштирма-қиёсий таҳдил асосида ўрганилиши;

- жадид театри поэтикаси, хусусан, драматик асарлар ва уларнинг саҳнадаги инъикосида жанрлар табиати, спектаклларда қўлланилган рамзларнинг кўп қатламли табиати;

- саҳна асарларидағи макон ва замон муаммолари;

- саҳналаштириш услуби ва воситалари.

Бундай ёндашув саҳна санъати тарихини янгидан баҳолаш, шу билан бирга унинг назарияси, муайян театр жамоаси ва ижодкори бадиий олами тарихини яратиш учун янги хулосалар ва қоидаларни келтириб чиқариши мумкин. Зоро, тарихнинг объектив баҳосини бериш келгусида яратиладиган янги илмий тадқиқотлар учун замин бўлади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Аҳмедов С. Театр ва матбуот. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига даъвогар диссертация автореферати. – Т.: 1998.
2. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Т.: Шарқ, 1997 й. – 110 б.
3. Қосимов Б. Миллий ўйгонши: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – 219 б.
4. Тавалло. Равнақул-ислом. – Т.: Фан, 1993. – 53 б.
5. Беҳбудий Маҳмудхўжа // Ойна, 1913. – 5-сон.
6. Саидахмад Васлий. Шариати исломия // Садоий Фарғона, 1914 й. – 12 ноябрь, 83-сон.
7. Беҳбудий М. Театр надур? // Ойна, 1914. – 29-сон.

### **Тақризчи:**

Тожибоева О.Қ., санъатшунослик фанлари доктори,  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори